SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 20-YANVAR ■ SESHANBA ■ 8 (27.183) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг 2003 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев бошқарди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида иқтисодиётнинг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, айниқса, аграр соҳада меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жойларда ерга, мулкка муносабат тубдан ўзгармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонлари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини жорий этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчиларнинг эркин фаолият юритиши учун кўпроқ имконият яратиш ҳамда истиқболда асосий субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий вазифа ва йўналишларини белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда.)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚУВАЙТДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 январь куни расмий ташриф билан Қувайт Давлатига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари учун интервью берди.

— Қувайт Давлати билан расмий алоқаларимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошланган, — деди Президент Ислом Каримов. — Бироқ амалий ҳамкорлигимиз бугунги талаблар даражасида эмас. Ҳолбуки, Қувайт Яқин Шарқ минтақасидаги катта иқтисодий ва сармоявий имкониятларга эга мамлакатлардан биридир. Айниқса, коммуникация, автомобиль, темир йўл алоқасини йўлга қўйишдан икки томон ҳам манфаатдордир.

Ташрифимиздан кўзланган мақсад ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш, иқтисодий, молиявий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Улар икки мамлакат ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, савдо-иқтисодий, молиявий, солиқ, сармоя соҳаларида ҳамкорлик қилишни, ҳаво қатновини йўлга қўйишни, шунингдек, жиноятчилик ва халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашишни назарда тутади.

Бу мамлакатда Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси фаолият кўрсатади. Ушбу ташкилотнинг сармоявий имкониятларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Афғонистонни қайта тиклашга қаратилган қатор лойиҳаларни Ўзбекистон ҳудуди орқали амалга ошириш, мамлакатларимиз ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам музокараларда муҳим ўрин эгаллайди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

Ал-Қувайт. 19 январь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Ал-Қувайт шаҳри аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қувайт Давлати Бош вазири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ кутиб олди. Шу ернинг ўзида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қувайт савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Саъд Али ан-Ноҳизни қабул қилди. Мулоқот чоғида мазкур ташкилот билан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат ишбилармонларининг алоқаларини фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу ерда Ислом Каримов Қувайт Миллий Мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий билан учрашди. Суҳбат икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, ўзаро муносабатларимизнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мавзусида бўлди.

Қувайт Давлати Амирининг «Баён» қароргоҳида Президент Ислом Каримов билан Бош вазир шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Қувайт ҳамкорлигига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Қувайт ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Қувайт ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишдан қочишни кўзда тутувчи ҳужжатлар имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қувайтга расмий ташрифи давом этмоқда.

Суратда: ташриф пайтидан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, туманлар ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарлари учун семинар-мунозара ўз ишини бошлади.

АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев семинарни очар экан, мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар изчил кечаётганини таъкидлади. Агросаноат самарадорлиги нафақат ушбу соҳага, балки бутун иқтисодиёт тармоқлари ривожи ва ўсиш суръатини белгилашда асосий ўрин тутади.

Шу боис Президентимиз Ислом Каримов бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулкий муносабатлар, аввало, ерга эгалик туйғусини шакллантириш, ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг йўл очиб бериш, умуман қишлоқ хўжалиги соҳасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Соҳадаги ислоҳотларнинг самарали кечиши кўп жиҳатдан мутасадди раҳбарларнинг ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини қай даражада англаб етаётганига, билими ва малакасига, тафаккурига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда.)

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг фуқаро самолёти ҳалокатга учраб, 32 йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабар мени чуқур қайғуга солди. Шу мусибатли дамларда Хитой Ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга, ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан.

Ху ЦЗИНЬТАО,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Азиз Дўстим,

Ўзбек авиакомпанияси самолёти Тошкент шаҳрида қўнаётган вақтда йўловчилари ва экипажи аъзолари бошига тушган оғир фожиа мени ларзага солди. Ана шу фожиали ҳалокат вақтида қурбон бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига поляк халқи ва шахсан ўз номимдан чин қалбдан таъзия ва астойдил ҳамдардлик сўзларини йўллайман.

Александер КВАСЬНЕВСКИ,
Польша Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Латвия халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга Тошкентда рўй берган авиаҳалокат муносабати билан таъзиямни изҳор этаман.

Ушбу қайғули кунда Сизга ҳамдардлигимни билдираман.

Сизга бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Вайра Вике-ФРЕЙБЕРГА,
Латвия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

2004 йил 13 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг ЯК-40 йўловчи самолёти ҳалокати туфайли одамларнинг фожиали ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабар қалбларимизни қаттиқ ларзага солди.

Сизга, ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик сўзларини йўллайман.

Чан Дик ЛИОНГ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Термиз — Тошкент рейсини амалга ошираётган ЯК-40 самолёти йўловчиларининг фожиали ҳалок бўлганликлари ҳақидаги хабар Шимолий Америкадаги барча бухоролик яҳудийларни ларзага солди.

Ўзбекистон Республикасининг Муҳтарам Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Жаноблари, ана шу фожиали воқеа муносабати билан Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига, ҳалок бўлганларнинг оилалари ва қариндошларига астойдил ҳамдардлигимизни изҳор этамиз.

Америкадаги бухоролик яҳудийлар жамоаси бу қайғуда Сизга ҳамдарддир.

Парвардигор бу мусибатларни енгиб ўтишда мададкор бўлсин.

Шимолий Америкадаги бухоролик яҳудийлар номидан,

Борис ҚАНДОВ,
АҚШ ва Канада бухоролик яҳудийлар Конгресси Президенти

ЗАРМИТАННИНГ СПОРТ МАЖМУИ

НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёркул Умар). Қизилтепа туманидаги «Зармитан» ширкат хўжалигида янги спорт мажмуи ишга тушди. Уни «Зилола пойдевори» корхонаси қурувчилари бунёд этди. Бир ярим гектар майдонда қад ростлаган мажмуа барча қулайликларга: тренерлар хонаси, теннис ва биллиард заллари, сузиш ҳавзаси, минг томошабинга мўлжалланган футбол, волейбол ва баскетбол майдонига эга.

СУРХОН ПИЛЛАСИ ХИТОЙГА

Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деган гап бор халқимизда. Изланишлар натижасида вилоят пиллакорлари ўзларига ҳамкор топишди. Анча вақтдан буён омборларда сақланиб келинаётган «кумуш тола» энди Хитойга юбориладиган бўлди. Яқинда дастлабки 105 тонна қуруқ пилла жўнатилди. Вилоят «Пилла» ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг айтишларича, тез орада бошқа давлатлар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ниятидалар.

(Ўз мухбиримиз)

Қарши тиббиёт коллежида 1935 нафар талаба билим оляпти. Бу ерда 218 нафар малакали ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг тўрт нафари фан номзоди, қирқ саккиз нафари эса олий тоифали ўқитувчидир.

— Ушбу таълим даргоҳи Жанубий Корея гранти бўйича ўқув жиҳозлари билан таъминланган, — дейди коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Собир Турсунов. — Компьютер хонаси Интернет тизимига уланган. Электрон почта мунтазам ишлаб турибди. Талабалар дунёнинг хоҳлаган ўқув даргоҳлари, коллежлари билан алоқа ўрната олади. Бундан ташқари, бизда спортга бўлган қизиқиш ва эътибор юқори. Талабалар турли мусобақада мунтазам қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритмоқда.



Суратда: биринчи курс талабалари (ўнгдан) Шаҳноза Отамуродова ва Комила Йўлдошева.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«АППАРАТ ЯНГЛИШАДИМИ ЁКИ ШИФОКОР?..»

Юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада ультратовуш ташхиси тиббиётимизга кириб келганига ҳали кўп бўлмагани, шунга қарамай ички касалликларнинг аксарияти УТТ орқали текширилиб, шу асосда даволаш чоралари кўрилаётгани, бироқ, УТТ ташхиси баъзан нотўғри чиқаётганидан шикоят қилувчилар ҳам учраб туриши ёзилганди. Танқидий мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жавоб мактубини олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 21 октябрь сонида чоп этилган «Аппарат янглишадими ёки шифокор?..» мақоласини етакчи мутахассислар иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатан ҳам ультратовуш текшируви охирги йилларда касалликларни аниқлаш ва ташхис қўйишда алоҳида ўрин эгалламоқда. Лекин бундай инструментал текширув қўшимча ҳисобланади. Мисол тариқасида келтирилган буйракдаги тош касаллигини аниқлаш ва жарроҳлик усули билан даволашни рентген текширувисиз бошлаб бўлмайди. Мақолада қайд этилганидек, ташхис қўйишда хатога йўл қўйиш сабаблари: аппаратларнинг эскирганлиги, техник носозлиги ва врачларнинг касб маҳоратига ҳам боғлиқ бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига асосан мақолада кўрсатилган шифокор Р.Ёқуббоев умумий иш стажи 23 йил бўлса-да, ультратовуш аппаратида ишлашига ҳали бир йил бўлмаган. Шифокор Е.Пак эса бу соҳада 13 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб келмоқда.

Кейинги беш йил ичида Қорақалпоғистон Республикаси даволаш профилактика муассасаларига кредит, грант, давлат бюджети ва ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобига 11 та замонавий ультратовуш аппаратлари олиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан даволаш профилактика муассасаларини босқичма-босқич юқори технологияли, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. 1999-2002 йилларда «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида Фарғона, Сирдарё, Навоий вилояти даволаш профилактика муассасалари 35 та комплект диагностик жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари Республика Президентининг 1998 йил 2107-сонли Фармонига асосан вазирлик томонидан ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, мутахассисларни шаҳодатлаш ва аккердитация қилиш тизими ташкил қилинмоқда. Компьютерда имтиҳон ўтказиш учун махсус тестлар ишлаб чиқилмоқда. Бу эса шифокорларнинг касб маҳоратини оширишга ва ўз устида мукаммал ишлашига таъсир этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу мақола ўз вақтида чоп этилган, деб ҳисоблайди. Замонавий текшириш усулларини қўллашни ва улар натижасида даволаш-муҳофаза-лаш ишларига эътиборни кучайтиради.

Шуҳрат ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдами бош бошқармаси бошлиғи»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 20 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	744,80	1 Польша злотийси	258,88
1 Англия фунт стерлинги	1767,28	1 СДР	1460,35
1 Дания кронаси	163,50	1000 Туркия лираси	0,72
1 БАА дирхами	267,63	1 Швейцария франки	775,95
1 АҚШ доллари	982,97	1 ЕВРО	1216,92
1 Миср фунти	160,35	10 Жанубий Корея вони	8,29
1 Исландия кронаси	13,98	10 Япония иенаси	92,34
1 Канада доллари	755,55	1 Россия рубли	34,04
1 Хитой юани	118,76	1 Украина гривнаси	184,38
1 Малайзия рингити	258,71		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жалолов, Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобулов ва бошқалар юқорида эслатилган ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси юзасидан ахборот берди.

Ошкора ва танқидий руҳда ўтган мажлисда экиш мавсумига, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўриш, ширкат ва фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги шартномалар имзоланиши ва ижросини тўғри йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мутасаддди раҳбарларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларга юксак масъулият билан ёндашиши, ташкилотчилик ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шу боис ижро интизомига қатъий амал қилиш, меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда соҳада барқарор ўсишни таъминлаш борасида жорий йилда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ СЕМИНАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қишлоқ хўжалигини бошқариш, мавжуд муаммоларни ечиш вазифалари ва масъулияти бугунги кунда кўпроқ вилоят ва туман ҳокимларининг зиммасидадир. Деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехникани юксалтириш, янги технологияларни жорий қилиш масаласи, шу билан бирга, қишлоқда яшайдиган одамларнинг оғирини енгил қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш вилоят ва туман ҳокимлари, ширкат раҳбарларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан бир неча йилдан буён ташкил этилаётган бундай семинарлар вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг бошқарувни ўрганиш, билим ва малакасини оширишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу галги семинар-мунозаранинг ўзига хослиги шундаки, тингловчилар ўн икки кун давомида нафақат қишлоқ хўжалигида, балки қонунчилик, маънавий-маърифий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Парламент қўмиталари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, етакчи олим ва мутахассислар жалб этилган.

Семинарнинг биринчи куни машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг ўринбосарлари А.Азизхўжаев, Д.Ғуломова ва бошқалар сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари,

Тошкентдаги авиаҳалокат ватандошларингизнинг умрига зомин бўлгани ҳақидаги хабар мени чуқур қайғуга солди.

Ана шу фожиали воқеа муносабати билан Сенегал халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамдардлигимизни билдираман.

Биз фожиада қурбон бўлганлар туфайли Сизнинг қайғуингизга шерикмиз ҳамда Сизга чин дилдан ҳамдардлик ва хайрихоҳлик туйғуларимизни изҳор қиламиз.

Абдула ВАДЕ,
Сенегал Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари,

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қарашли самолётда юз берган авиаҳалокат натижасида қурбонлар бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзиямни қабул қилгайсиз.

Сиз Жаноби Олийларига ушбу фожиали ҳодиса сабабли қайғуларингизга шерик ва ҳамдардлигимни изҳор этиб, қурбон бўлганларни Аллоҳ таоло ўз раҳматига олишини сўрайман.

Эҳтиромларимни қабул қилгайсиз,

Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,
Қувайт Давлати Бош вазири

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁР

15 январь куни Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари томонидан ШҲТ мамлакатларининг хавфсизлик, халқаро терроризм, миллий сепаратизм ва диний экстремизмга қарши кураш, ўзаро манфаатли кўп томонлама савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни чуқурлаштириш соҳаларидаги ҳаракатларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Хитой пойтахтида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибиятининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ХХР Давлат кенгашининг аъзоси Тан Цзясюань ва ШҲТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этишди. Шу билан янги халқаро ташкилотнинг ташкилий жараёни, унинг доимий органлари фаолиятининг амалий механизмини шакллантириш даври якунланди.

Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитасининг кенг қамровли фаолияти учун фаол тайёргарлик кетаяпти. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроқўмининг расмий очилиши шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши кутилаётган ШҲТ саммити кунларига режалаштирилган.

Шу куннинг ўзида ШҲТга аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг ХХР раиси Ху Цзиньтао билан қўшма учрашуви бўлиб ўтди. Унда наркотик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлаш, халқаро терроризм ва экстремизм молиявий манбааларига зарба беришга оид масалалар муҳокама этилди.

ХХР раиси Ху Цзиньтао ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С.Сафоевнинг мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Хитойга расмий сафари доирасида бўлиб ўтган учрашувида икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ШҲТга аъзо давлатлардан ташриф буюрган ҳамкасблари, шунингдек, ШҲТ Котибиятининг очилиш маросимида иштирок этиш учун келган Монголия ташқи ишлар вазири Л.Эрдэнэчулуун билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

«Жаҳон» АА

УЧ КОЛЛЕЖ ИШ БОШЛАДИ

Наманган вилоятининг Поп туманида бир йўла учта коллеж фойдаланишга топширилди. Улардан бири Халқобод шаҳарчасидаги 750 ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидир. Уни таъмирлаш ишларига 859,1 миллион сўм маблағ сарфланди. Туман ҳокимининг қарори билан коллеж ўқув-тажриба хўжалиги учун 20 гектар ер майдони ажратилди. Энди ёш агроном мутахассисларга деҳқончилик сирасорларини ўз хўжаликларида ўрганиш имконияти туғилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари комбинатининг барча қулайликларга эга бўлган стадиони коллеж талабалари ихтиёрига берилди.

Жаҳон андозаларига мос тарзда таъмирланган Ғурумсарой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 900 ўқувчини ўз бағрига олди. Уни қайта таъмирлаш ишларига эса 868,1 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, Санг қишлоғидаги 300 ўринли қурилиш касб-ҳунар коллежи ҳам 663 миллион сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига қайта таъмирланди.

Кенг, ёруғ хоналар, энг сўнгги русумдаги компьютерлар, ўқув лабораториялари, лингафон хоналари, катта китоб фондига эга кутубхоналар талабалар хизматида. Энди гап аъло ўқишда, ҳунар эгаллаб, халқ хўжалигининг турли соҳалари учун етук кадрлар бўлиб етишишда.

Мазкур коллежларнинг қурилишида вилоят «Ижтимоийқурилиш» трестига қарашли 131-хўжаликлараро ва Поп механизациялашган кўчма жамланмаси ҳамда «ЎзПопфен» хусусий фирмаси қурувчилари иштирок этишди.

Маъмуржон МАҲМУД

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИ

доирасида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг диққат марказида бўлмоқда. Жумладан, **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши**да партия ташкилотларининг жойларда давлат муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йилда амалга ошириладиган ишлар масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, партия кенгашлари биринчи котиблари ҳамда қатор ташкилот, корхоналар раҳбарлари иштирок этдилар. Вилоятда «Меҳр ва муруввaт йили» тадбирларини ўтказиш дастурини тайёрлаш комиссияси раиси Х.Шукуров, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи С.Алмамедова, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари Н.Каримова ҳамда ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ж.Исроиловлар сўзга чиқиб, белгиланган вазифалар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Дўстлик туман партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП туман партия ташкилотларининг «Меҳр ва муруввaт йили» тадбирларида фаол иштирок этишини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. «Навбаҳор» фермер хўжалиги раиси, ХДП аъзоси Қ.Қамбаров, туман атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи С.Рустамов ва бошқалар кўрилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Камолиддин Эгамов мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП Урганч туман кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийси Оллоберган Бобожонов таваллудининг 80 йиллигини нишонладилар. Туман партия кенгаши биринчи котиби Х.Воисчанов эл ҳурматига сазовор бўлган бу инсонга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, тадбирда қатор жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, Оллоберган отани табрикладилар.

ЎзХДП Сирғали туман кенгаши «Меҳр ва муруввaт йили» ўзанларида «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими билан биргаликда кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ногирон болаларнинг Тошкент давлат цирки ҳамда Ёш томошабинлар театрига ташрифини уюштириб, уларни хурсанд қилдилар.

Худди шундай меҳр-муруввaт, хайр-эҳсон ва маъданий-маърифий тадбирлар **ХДП Хоразм вилоят, Навоий шаҳар, Булоқбоши, Андижон туман кенгашлари**да ҳам бўлиб ўтди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Бўз туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси ва прократура ҳамкорликда «Демократик жараёнларда сайлов тизимини такомиллаштиришнинг мақсад ва муаммолари» мавзуида семинар-кенгаш ўтказдилар. Семинарда туман партия кенгаши биринчи котиби А.Қодиров икки палатали парламент ва уни шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ҳақида, туман прокурори З.Рустамов бу борада Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маъруза қилдилар. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари М.Тўйчиева иштирок этди.

ХДП Зарбдор туман кенгашида МК VI пленуми якунлари ва БПТларининг жорий йилги сайловларга тайёргарлиги масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда йўл қўйилган қатор камчиликлар очиқ танқид қилиниб, тегишли вазифалар белгиланди. Тадбир ниҳоясида бир гуруҳ фаолларга Ўзбекистон ХДП МК ва туман кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Йиғилишда туман ҳокими У.Азимов иштирок этди.

ТЕМИР ЙЎЛ ЯНА 5 КИЛОМЕТРГА УЗАЯДИ

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Яқинда темир йўл қурувчилари Қумқўрғон бекатида янги темир йўл линиясини эскисига уладилар. Шу пайтга қадар 22 километр узунликдаги темир йўл ётқизилганди. Яна 5 км. масофага йўл тортилиши кутилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

2004 йил — Меҳр ва муруввaт йили

ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

ЁКИ КУНДАН-КУНГА ДУНЁНИ КЎРКАМРОҚ, ОДАМЛАРНИ ҲАР ЖИҲАТДАН БОЙРОҚ ҚИЛАДИГАН МЕҲР-МУРУВВАТ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Асосий Қомусимизнинг 11 йиллик тантаналарида 2004 йил Президентимиз таклифи билан «Меҳр ва муруввaт йили» деб эълон қилинган эди. Ойнаи жаҳон орқали Юртбошимизнинг тантанали маросимдаги ушбу сўзларини тинглаётиб, беихтиёр қалбимда ҳаяжон ҳиссини туйгандим: **«...ўзи бадавлат яшаб турган пайтда ёнидаги кўшниси йўқчиликка дучор бўлиб, қийналиб кун кечираётганини кўрган, инсофи, виждони бор ҳар қайси инсон хайру эҳсон қилиш билан чекланиб қолмайди. Ёрдамга муҳтож бўлганларга баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариш билан савобли ишларга қўл уради, бу ишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Бу бизнинг асл миллий қадриятларимизга ҳам мос келади. Менинг имоним комил, ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади».**

Маълумки, бобомерос қадриятларимиз тимсоли сифатида меҳр ва муруввaт тушунчалари бизнинг энг муқаддас китобларимиздан ҳам ўрин олган. Бу ҳикмат дурдоналари ҳар бир иймонли одамни эзгуликка, яхшиликка ундайди. Дарҳақиқат, аъмоли эзгу сўз, эзгу амал бўлган муқаддас «Авесто» китоби ҳам дунёда меҳр-муруввaтни барқарор этиш учун яралган. Китобда бутун сарзаминлар шаҳриёри — Меҳр олқишланади. Шу боис «Авесто»нинг ўнинчи яшти — «Меҳр яшт» гўзал қасидалардан ҳисобланади.

Албатта, тарихий манбаларда меҳр-муруввaт кўрсатишга оид кўплаб мисоллар келтирилган. Уларда эзгу фазилатлар инсон учун энг зарур эҳтиёж сифатида тилга олиниб, бошқаларни эзгуликка чорлашда муқаддас тушунчаларга амал қилмоқликнинг юксак аҳамияти таъкидланади. Муҳими, ана шундай эзгу фикрлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган: **«...Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».** Яна Конституцияни варақласак, 64-моддасидаги: **«...болаларга бағишланган хайрия фаолиятлари рағбатлантирилади»,** дейилган ёзувлар фикримизни тасдиқлайди.

Меҳр ва муруввaт йили муносабати билан болаларга бағишланган кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Улардан бири, айниқса ибратлидир. Самарқанддаги «Эрудит» ижодий марказининг Марғилондаги Меҳрибонлик уйи ва Тошкенддаги Хлебушкина номидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига биттадан замонавий компьютер совға қилганини эшитганда тўлқинланмай бўладими? Бу компьютерлар мурғак тарбияланувчилар қалбида юртга, Ватанга беқиёс меҳр уйғотиши табиий, албатта.

Баҳодир Комилов — яхшигина олим, фан номзоди. Кейинги пайтда тадбиркорлик билан ҳам шуғулланяпти. У хорижда чиққан бир китобни менга кўрсатиб, таржима қилиб беришимни сўради. Болаларга атаб лотин алифбосида чоп эттирмоқчиман, деди. Ҳозирда китоб чиқаришга маблағ зарурлигини билганим учун унинг ҳимматидан хурсанд бўлдим. Аммо китоб хорижда чиққани учун олдиқочдилардан иборат эмасмикин, деган мулоҳазага ҳам бордим. Баҳодир ака хаёлимга келган фикрни билгандай: «Оиламиз билан китобни ўқиб чиқдик, барчамизга ёқди. Болаларни илм ўрганишга, сабр-тоқат билан олий мақсадлар сари интилишга ундайдиган китоб», дея изоҳ берди.

Китобда барча эзгуликларнинг муқаддимаси бўлган энг муҳим нарса — меҳр-муруввaт экани эсланади. Унда таъкидланганидек, одамлар очкўзликлари туфайли ҳаётда кўп янглишади, пул одамни бахтли қила олади деган энг катта ёлғон тушунчага ишонишади. Худога шукр, болалар ҳақиқатни гапирадилар. Фантастик қиссада софдил болалар одамларни ҳалокатдан сақлаб қолганидай, болалар дунёни кўркам ва фаровон қилишга қодирдирлар. Бунинг учун ҳозир болаларимизга қимматбаҳо хазина — билим зиёсини беришдан чарчамаслигимиз, униб-ўсишлари учун шарт-шароит яратишимиз зарур.

Луғатимизга «меценат» деган сўз кириб келмоқда. Биз хайрли ишларга ҳомийлик қиладиган бадавлат кишиларнинг меценатлар дейилишига тобора кўникиб бораяпмиз. Аслида, Меценат эрамиздан аввал ҳукмдорлик қилган Рим шоҳи Август амалдорларидан бирининг исми. Меценат шоирларга ҳомийлик қилган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Унинг номи ҳам, хайрли иши ҳам тарих саҳифасидан ўчиб кетмади. Мана йигирма асрдирки, илм-маърифатга ҳомийлик қилаётган кишиларни ҳурмат-эҳтиром билан меценатлар деб аталяпти. Хуллас, меценатлар маънавий бойликни моддий бойликдан устун деб билувчи олижаноб кишилардир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда меценатларнинг янги авлоди пайдо бўлмоқда. Мен кейинги кунларда муқаддас китобларни, алломаларнинг умрбоқий асарларини қайта-қайта варақладим. Уларнинг барчасида битта улуғ даъват бор экан. Бу одамларни меҳр-муруввaтли бўлишга чорлашдир. Чунки меҳр-муруввaт кундан-кунга дунёни кўркамроқ, одамларни ҳар жиҳатдан бойроқ қиладиган илоҳий неъматдир.

Асрор МЎМИНОВ

Хоразм вилоятининг Гурлан тумани мамлакатимизнинг чегара ҳудудларидан бирида жойлашган. Бу туман ички ишлар бўлими ходимларидан ишга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади. Шу боис туманда осойишталикни таъминлаш борасида жамоатчилик билан ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилди. Шу ўринда жойлардаги профилактика нозирларига маҳалла посбонлари, фуқаролар йиғини фаоллари, ўқитувчи-тарбиячилар ҳамда яраштирувчи гуруҳ аъзолари яқиндан ёрдам бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

— Чегара ҳудудларимиз ҳамда аҳоли истиқомат қилаётган қишлоғу маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш, барқарор турмуш тарзини вужудга келтиришда профилактика нозирлари, маҳалла посбонларининг ҳиссаси катта, — дейди туман ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, милиция майори Бахтиёр Собиров. — Натижалар ҳам ёмон эмас: 38 та жиноят ўз вақтида очилди, ёшлар ўртасида жиноят содир этилиши ҳолатлари сезиларли камайди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ

Суратларда: вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, милиция капитани Азимбой Ражабов ўқувчилар орасида тез-тез бўлиб туради; милиция таянч пункти биноси.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар

«РИЗҚ»НИНГ РИЗҚИ БУТУН

Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат вилоятдаги иқтисоди бақувват хўжаликлардан. Бу ерда пахта ва ғалладан ташқари чорва маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпаймоқда. Илгари хўжаликнинг «Ризқ» наслчилик фермасида ҳар куни соғиб олинаётган сутнинг 2-2,5 тоннаси Самарқанд шаҳридаги «Ҳосилот» корхонасига сотилар, транспорт харажатлари ва бошқа қийинчиликлар кўп эди.

Тадбиркорлар қўл қовуштириб ўтиришмади. Ферма қошида сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Айни пайтда цехда 5 турдаги маҳсулот тайёрланиб, харидорларга етказиб берилаяпти. Ҳозирги кунда цехда 8 ишчи меҳнат қилмоқда. Натижа яхши — сотилаётган маҳсулотдан келаётган фойданинг ҳаммаси ферма ишчи-хизматчиларининг ўзларига қолаяпти. Бошқача айтганда, «Ризқ»нинг ризқи бутун бўлмоқда.

Юнус УЗОҚОВ

Тадбиркор қонун ҳимоясида

ФЕРМЕР ҲАҚ, МУЛКИ ДАҲЛСИЗ

Ҳуқуқий жамиятда ҳар бир фуқаро қонун чизиғидан чиқмай яшаши керак. Шунда у қонундан паноҳ топади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа бунга яна бир мисол.

Ғаллаороллик фермер Норбой Ишмуродовнинг уйига ўтган йилнинг 11 июль куни тахминан соат 17.00 ларда участка нозири Ҳазратқул Мусурмонов ва туман ИИБ терговчилари Шавкат Қурбонов, Абдуқодир Шерматовлардан иборат гуруҳ «ўғирлик арпа борлиги ҳақида бизда тезкор маълумот бор», деган важ билан киришади. Чиндан ҳам оиланинг «Олимжон Мақсуд» фермер хўжалигидан сотиб олган 5300 кило арпаси бор эди. Арпани ички ишлар ходимлари ўзлари билан олиб борган Азамат Эргашев бошқарувидаги «ГАЗ-53» русумли автомашинага юклашади. Хонадон соҳибининг умр йўлдоши Рухсат Ишмуродова ва қизи Лола, синглиси Наргизаларнинг «арпанинг ҳужжати бор», дейишларига парво ҳам қилишмади. Мол аччиғида қуяётган она-болаларнинг йиғи-сиғиси уларнинг кўнглини юмшатмади. Аксинча, уларга нисбатан куч ишлатишди, натижада улардан бири енгил тан жароҳати олди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас туман ИИБ терговчиси А.Шерматов фермер Н.Ишмуродов фаолиятида жиноят аломатлари йўқ эканлиги ҳамда улардан олинган арпани қайтариб бериш ҳақида қарор чиқарди. Хуллас, рухсатсиз фуқаронинг уйига кирган участка нозири ва терговчиларнинг хатти-ҳаракатлари ноқонуний бўлиб чиқди.

Шундан сўнг Н.Ишмуродов дон қабул қилиш омборига арпасини қайтариб олиш учун борди. Уни олиб чиқиб кетаётганда эса туман ИИБ бошлиғи М.Муқимов фермернинг йўлини тўсди. Машинага юкланган донни жойига қайта тўктирди.

Н.Ишмуродов анча сарсонгарчиликдан сўнг ўзига тегишли арпани туман прокуратурасининг аралашуви билан олиб кетишга муяссар бўлади. Бироқ, арпа олиб кетишдан олдин ўлчаб кўрилса... 4640 килограмм чиқди. Қолган 700 килограммга яқини қаёққа ғойиб бўлганини аниқлаш имкони бўлмади. Фақат шу факт аниқ эдики, ички ишлар ходимлари унинг уйидан машинага юклаган арпа 5300 килограмм эди.

Яхши-ям, адлия деган идора бор. Кўпгина тадбиркорларнинг жонига шулар аро киришаяпти. Ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қалқон бўлишаяпти. Вилоят адлия бошқармаси мансаб ваколатини суиистеъмол қилган, жиноят содир этилмаганлигини била туриб оила аъзоларига куч ишлатган туман ИИБ ходимларига нисбатан Ўз.Р.ЖКнинг 205-моддаси ва 206-моддалари билан жиноят иши қўзғатиш масаласи юзасидан вилоят прокурорига ҳамда бундай ҳол бошқа тадбиркорлик субъектларига нисбатан такрорланмаслик чора-тадбирини белгилашлик мақсадида вилоят ИИБ бошлиғи номига тақдимномалар киритди. Шунингдек, адлия бошқармаси фуқаро Н.Ишмуродовнинг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат этди.

Даъво аризаси ўтган йилнинг декабрь ойида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судида кўрилди. Натижада моддий ва маънавий зарар етказилгани учун фермер Норбой Ишмуродов фойдасига 1 миллион 760 минг сўм, Рухсат Ишмуродова фойдасига эса 100 минг сўм ундириладиган бўлди.

Қаранг, бир қалтис қадам туфайли қанчадан-қанча асаббузарлик, оворaю сарсонгарчилик, ортиқча сарф-харажат келиб чиқди. Тадбиркор фаолиятини ривожлантириш учун эмас, ҳуқуқини тиклаш учун вақт сарфлашга мажбур бўлди. Холбуки, шу куч, саъй-ҳаракатлар бошқа мақсадларга йўналтирилганда эди, анча олга юрилган бўларди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Орифжон ЖУМАНОВ

«МЕН ЧЕГАРАЧИМАН»

ДЕГАН ПОСБОН БОРКИ, ВАТАН ТУЙҒУСИНИ ХАММАДАН КЎРА ТЕРАНРОҚ АНГЛАЙДИ

— Мамлакатимизда миллий профессионал армияни шакллантириш, унга босқичма-босқич ўтиш учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Армиямизда соғлом маънавий муҳитни яратиш учун таълим-тарбия ишларига янгича услублар билан ёндашилмоқда, — дейди республика Чегара қўшинларига қарашли Жанубий-минтақавий ҳарбий штаби бошлиғи ўринбосари, подполковник Бахтиёр Қаюмов. — Аскарларимиз ўз қисмларидан туриб ота-оналари билан телефонда сўзлашишлари йўлга қўйилган. Ҳар бир постда хизматни адо этган аскарлар эндигина йигитлик бурчини ўташга келган йигитларга рамзий калитни топширадилар. Бу «Қасамёдимизга содиқмиз. Ғанимларга чегараларимиз қулф. Унинг калити ишончли қўлларда», деган маънони англатади. Таниқли шоирлар, ёзувчилар, хонандалар, актёрлар билан аскарлар учрашувлари яхши йўлга қўйилган.

Яқинда республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қуддус Аъзам билан севимли актёримиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шариповларнинг ташрифи зўр тантанага айланиб кетди.

Пойтахтдан келган телевидение ходимларининг «Қизлар давраси» кўрсатувининг аскарларимиз иштирокида ҳарбий қисмларда суратга олиниши ва ойнаи жаҳон орқали намойиш этилиши биз учун катта воқеа бўлди.

Хуллас Ватанимизнинг чегараларини кўз қорачиғидек авайлаб-асраш, сергак туриб ҳимоя қилишни нафақат ҳарбий мажбурият балки инсоний бурч, шарафли вазифа, деб билган Ватанимиз посбонлари ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак арзийди.

Қуйида юртимизнинг жанубий сарҳадларида хизмат қилаётган бир неча ватандошимиз ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

...Муҳаммадали Ашурматов ёшлигидан ҳарбийларга ҳавас билан боқарди. Қишлоқда биров армиядан қайтса, унинг шапкасини кийиб олар, ялангоёқ ҳолда тенгқурлари билан чопганча қишлоқ кўчаларини айланиб чиқарди. Ҳарбийларнинг қаддиқомати, бақувватлиги, довюраклиги, чаққонлиги уни мафтун этарди. Ниҳоят, орзуси ушалди, хизматга чақирилди. Воҳамиздаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтади. Сўнгра кўнгилли бўлиб капитан Ўзбеков номли чегара постида қолди.

2003 йилда у Ватанимиз чегараларини бузиб ўтган бир неча чет эл фуқароларини қўлга олишда жонбозлик кўрсатди. Ғаразли мақсадларда юртимизга бош суққан бу кимсалардан уч юз грамм гиёҳванд модда топилди. Орадан кўп ўтмай пост бошлиғи лейтенант А.Ашурматов яна чегара бузғунчилиги содир этилгани, автомобиль камераси дарё бўйига яшириб қўйилгани ҳақида хабар берди. Дарҳол капитан М.Парпиев, кичик сержант М.Ашурматов ва икки аскар билан йўлга чиқишди. Дарё бўйлари синчиклаб текширилди, қамишлар ораси кўздан кечирилди. Икки соатча давом этган қидирувда Муҳаммадалининг диққатини қуюқ қамишлар ораси ўзига жалб этди.

Ниҳоят у ерда яширинган ётган икки афғон фуқароси ушланди. Уларда 20 килограмм гиёҳванд модда бор эди. Ана шу хизматлари туфайли кичик сержант Муҳаммадали Ашурматовнинг кўкрагини «Жасорат» медали безади.

...Матрос Анвар Ҳайдаровнинг муддатли ҳарбий хизматга чақирилганига бор-йўғи уч ой бўлди, холос. Аммо, зукко Анваржон командирлари томонидан берилаётган сабоқларни чуқур эгаллаб, аъло даражада хизмат қилиш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Шундан бўлса керак, тезда бошлиқлари эътиборига тушди. Бунга, албатта, Самарқанд Давлат университетининг педагогика факультетини тугатгани, миллий кураш бўйича спорт усталигига номзодлиги ҳам ёрдам бермоқда. Шу кунларда у «Таъминловчи ва кўриқловчи» взводнинг «Юқори тайёрланган» биринчи гуруҳида хизмат қилаяпти. «Шиоримиз, — дейди у, — юксак профессионаллик, ватанпарварлик, меҳр-мурувватлилик, Ватанимизнинг муқаддас чегараларини мустаҳкам кўриқлаш».

Командирлар капитан-лейтенантлар Руфат Аллаёров, Файзулла Назаровларнинг қўл остидаги аскарларга чуқур билим беришлари, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри йўл топа олишлари, меҳрибонликлари, ширинсўзликлари Анваржоннинг ҳавасини келтиради, ич-ичидан уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Шу боис, Чегара қўшинлари олийгоҳига кириб ўқишга ахд қилди. Бунинг учун барча ҳужжатларни тахт қилиб қўйди. Бу ҳақда отаси «Ўғлим, буни жуда яхши ўйлабсан», — деди, онаси эса «Илоҳим ниятингга ет!» дея дуо қилди.

...Шуҳрат Ёдгоров ўзи туғилиб ўсган Узун тумани ҳамда Сариосиё туманлари тоғларига суқилиб кирган ёвуз душманларни янчиб ташлашда иштирок этаман, дея сира ўйламаган эди.

Шуҳрат Бухоро Автомобиль йўл қурилиши билим юртини тугатгач, ҳарбийга чақирилди. Хизматни адо этгач, бир муддат ишлади. Кейин чегара қўшинларида шартнома асосида хизмат қилишни истаб ҳужжатларини топширди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтди.

2000 йил Узун ва Сариосиё туманлари тоғларида ин қуриб олишга уринган ёвуз келгиндиларни йўқ қилишда чегара қўшинлари ўғлонлари сафида у алоҳида жасорат кўрсатди. Республика Президенти Фармони билан Ватаннинг юксак мукофотлари берилганларнинг рўйхатига кўз ташласангиз, у ҳам қуролдошлари қатори «Жасорат» медалига сазовор бўлганлигини кўрасиз. Ҳозир у взвод командири ўринбосари. Тўққиз йиллик хизмати мобайнида ўзининг яхши хислатларини намойиш эта олди. Қўл остидаги аскарларнинг ҳақиқий Ватан посбонлари бўлиб етишишлари учун бор куч-ғайратини аямайди. Аскарларга «Жанговар тайёргарлик», «Махсус тайёргарлик», «Давлат ватанпарварлиги тайёргарлиги» дарсларини қунт билан ўргатмоқда.

...Иккинчи даражали старшина Наврўзбек Турсунбоев бўш вақтларини оила даврасида ўтказишни хуш кўради. Айниқса, жажжи қизалоғи Дилноза унинг жони-дили.

Наврўзбек Наманганда туғилиб ўсди. Ҳарбий хизматни эса Термиз шаҳрида ўтади. Шартнома асосида яна хизматда қолди. Уйланди. Қизи Дилноза ҳам Термизда туғилди. Наврўзбек ҳозир алоҳида чегараларни кўриқлаш катерлар базасида командир ёрдамчиси бўлиб хизмат қилаяпти. Шахсий таркибни ҳам маънан, ҳам жисмонан тайёрлаш, аскарларнинг билим ва тажрибасини ошириш, катерни аъло даражада сафарга ҳозирлашда у бош-қош.

— Яқинда америкалик ҳарбийлар билан 21 кун давомида бирга ўқидик, шуғулландик, — дейди у. — Кичик катерларимизни кўрган америкалик мутахассислар қойил қолишди. Негаки, бундай катерлар дарёнинг саёз жойларида ҳам тиқилиб қолмайди-да.

Наврўзбек командири бошлиқ жами олти кишидан иборат экипажи билан штаб бошлиғининг буйруғига асосан 15 кун мобайнида катер билан дарёда сузиб, белгиланган ҳудудни туну кун кўриқлайди. Атрофни синчковлик билан кузатишаркан, вақти-вақти билан катернинг жойини ўзгартириб туришади. Сўнг қисмга қайтишади. Уч кун мобайнида тайёргарлик ишлари давом этади ва яна дарё бўйлаб сузиш... Етти йилдирки, шартнома асосида хизмат қилиб келаяпти. Бундай хизмат қулай. Негаки, узоқ хизмат натижасида катта тажриба тўпланади, масъулият чуқур ҳис этилади.

...Ватанни қўриқлаш, Ватанга посбон бўлиш... Аслида бундан улуғ, бундан шарафлироқ вазифа бормикан, эр йигит учун. Юртимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз тинчлигини қўриқлаётган бундай жасур ўғлонларимиз ҳамиша бор бўлсин.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

САРБОН ЯНА ЙЎЛГА ЧИҚМОҚЧИ

ДЕМАК КАРВОНБОП, ҚЎНҒИРОҚЛИ НОРТУЯЛАР ҲАМ ТАЙЁР

Мавзуга қайтиб

Барчамиз яхши биламизки, ўзбекнинг мушкулини осонлаштирган — узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келган ва асрлар давомида «Буюк ипак йўли», деган халқаро халқани шакллантирган қўнғироқли нортуялар, зотдор, учқур отлар собиқ шўролар даврида таназзулга юз тутди. Саҳро «кема»си дея таърифланган ноёб туялар изсиз йўқолди. Сержун, сергўшт бир ўркачли Қизилқум туялари ер ости ва усти қазилма бойликлари қидируви баҳонасида аёвсиз сўйиб юборилди. Охир оқибат — сўнгсиз асрий яйловлар туясиз қолди.

Худди шу салбий ҳолатлар сабаб, газетамиз мустақиллик йилларида туячилик, йилқичилик ривожи ва тармоқдаги турғунлик хусусида қатор танқидий чиқишлар уюштириб келди. «Карвонидан айрилган сарбон», «Қизилқум отларга торми?», «Йилқичилик йиқилмасин» сарлавҳали мақолалар ана шулар жумласидан эди.

Бугун биз ўша чиқишларнинг туячиликка мансуб фақат биттаси — бундан 12 йил муқаддам (1992 йил 26 март) газетамизда чоп этилган «Карвонидан айрилган сарбон» мақоласи борасида батафсил фикр юритмоқчимиз.

Ўша мақолада туячилик ўғай соҳа бўлиб қолгани, энг зотдор ва энг қадим асил туялар камайиб кетаётгани танқид қилинганди. Бир пайтлар Мағрибу Машрикдан, Хитойдан Маккага қадар чўзилган «Буюк ипак йўли» бўйлаб ҳаракатланган, турнақатор карвонлар эндиликда беиз йўқолаётгани куюнчаклик билан қаламга олинувди. Шундан сўнг республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Қоракўл» акциядорлик бирлашмаси ҳамда Навоий вилоят ҳокимлигидан ушбу мақола юзасидан тегишли жавоблар ҳам олинганди.

Йиллар, қўйингки ўтган давр шуни кўрсатдики, мустақил Ўзбекистоннинг бошқа барча соҳаларида бўлгани каби мазкур тармоқда ҳам туб бурилишларга эришилди. Туячиликда салмоқ, сон ва сифат кўрсаткичи бир қадар яхшиланди. Жумладан, Навоий вилоятида карвонбоп, 380-500 килограммгача тош босадиган ва ўз салмоғига нисбатан 2 ҳисса кўп (1 тоннагача) юк кўтара оладиган икки ўркачли туялар зотини тиклаш ҳамда кўпкарибоп учқур отлар урчитишга ихтисослашган хўжалик ташкил этилди. Ҳозир ушбу ширкат хўжалигида 1430 бошдан ортиқ сермаҳсул, зотдор туялар мавжуд. Уларнинг 55-60 фоизи ҳар икки йилда соғлом бўталоқлар берадиган серсут урғочи туялардир. Туя ва йилқичилик ривожини, ташаббусини ўз қўлига олган вилоят ҳокимлиги ҳар йили бир маротаба республика кўчма амалий семинарини Томди, Учқудуқ, Конимех туманларида ўтказишни одат тусига киритди. Яқинда Учқудуқда ўтказилган кўргазмали семинарда **вилоят ҳокими Баҳриддин РЎЗИЕВ**нинг ўзи иштирок этиб, бу соҳага ҳамма масъул эканлигини алоҳида таъкидлаб деди:

— Нега энди Конимехдаги туя ва йилқичиликка ихтисослашган «Маданият» ширкат хўжалигига ўхшаш селекция-наслчилик заводини Нуротада ташкил қилиб бўлмайди? Томдида-чи? Учқудуқда-чи? Биз шу мақсадда Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг минтақавий Навоий филиалини очдик. Унинг туя-йилқичилик бўлимига қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, туячилик мутахассиси Юра Сакротянс деган олимни масъул қилиб қўйдик. Ниятимиз — вилоятда туялардан тоза ва шифобахш «шубат» ичимлиги ҳамда жун олиш. Уларни кичик цехларимизда қайта ишлаб, хорижга экспортга чиқариш...



Бир пайтлар жайдари ёхуд дурагай туялар сони атиги минг бошга тушиб қолган вилоятда бугун 4662 та туя мавжуд. Шунинг 1966 таси зотдор, сермаҳсул урғочи туялардир. Биргина кейинги икки йилнинг ўзида вилоятнинг 30 дан ошиқ қоракўлчилик хўжаликларида уларнинг сони 1100 тага кўпайди.

— Гап фақат сонда эмас, — дейди вилоят **«Қоракўл» акциядорлик бирлашмаси раиси Фазлиддин АҲМЕДОВ.** — Биз аввало, бир пайтлар дунёни қадамлаб кезган қўнғироқли нор туялар хусусида бош қотираяпмиз. «Бўра», «Қусбан» каби маҳаллий жайдари туяларни Қозоғистондан келтирилган икки ўркачли ҳамда туркманларнинг бир ўркачли туялари билан чатиштириб кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Ана ўшанда карвон яна йўлга чиқади, сарбон ўз карвонига эга бўлади...

— 1905-1906 йилларда отам Жабай Балиманов Қизил ўрдалик бою бойваччалар зулмидан қочиб, туяда Томдибулоққа келиб қолган, — деб эслайди **таниқли чорвадор Жақсилиқ БАЛИМАНОВ.** — Ўша кезлари биргина Томдининг ўзида 6-7 минг туя бўлган. Энди эса бутун бошли туманда бор-йўғи мингга яқин... Тармоқни яна йўлга қўймоқ ҳам хайрли, ҳам сердаромад иш бўлурди...

Дарвоқе, туячилик — кони фойда. Унинг улов — транспорт воситаси сифатидаги хизмати катта, шунингдек, хўжаликларга ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тежаш имконини беради. Отлар кўпкариси, улоқ ўйинлари олимпия мусобақаларига киритилаётган бир пайтда нега энди туячилик спорти — пойгасига эътибор бермаймиз? Араб мамлакатларида ҳозир ҳам туялар пойгаси, туяда «қиз қувди», туялар «жанг»ги сингари ўйинлар ўтказиб турилади-ку? Нега энди, олис Қизилқумда, Қашқадарё, Сурхондарё даштларида, Жиззах кенгликларида бу каби спорт мусобақалари йўлга қўйилмайди?

Туячилик мавзусига такрор қайтишимизга ундаган яна бир омил бу — тармоқдан олинадиган маҳсулотларнинг четга чиқарилмаётгани ва у ўзимизда қайта ишланмаётганидир. Айни кезда Навоий, Конимех, Томди туманларида туянинг шифобахш сути — шубатни қайта ишлаб, қадоқлашга асос солинаяпти. Жунидан тиббиёт белбоғи, қўлқоплар тайёрлаш аллақачон ўзлаштириб олинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги сертификат ҳам берди. Гўшти бавосил ёки сурункали қанд касаллиги каби хасталикларга ҳамда ҳар хил тошмаларга шифо эканлигига нега ҳануз бефарқмиз? Туя ўркачларининг ёғи оёқ, бел оғриқларга малҳам эканлигини билсак-да, нега уни қадоқлаб савдога, хорижга чиқармаймиз?! Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз иқтисодиётига валюта, туширишнинг манбаалари эмасми? Назаримизда, бу саволларга жавоб хатти-ҳаракатини биргина Навоийдан эмас, республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳам излаш пайти келганга ўхшайди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚЎШИҚЧИ АЁЛЛАРНИ КЎРСАТИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Афғонистон давлат телевидениеси аёлларнинг эфир орқали қўшиқ куйлашини яна тақиқлади. Негаки, мамлакат ҳали бунга тайёр эмас экан, дейилади BBC News ахборотида.

Тақиқловга сабаб, Олий суднинг даъвоси бўлди.

Маълумки, аввалги душанбада таниқли қўшиқчи аёл — Salmanнинг қўшиқ куйлаши телевидение орқали намойиш этилган эди. Бундай намойиш 1992 йилдан бери энди биринчи марта амалга оширилиши. Бироқ, дастур директори Азизулла Арьянфарнинг айтишича, «ҳозирги вазият қўшиқчи аёллар намойишини тақозо этмайди».

Олий суд бу борадаги фикрини мужоҳидлар кайфиятини ҳисобга олиб айтган. Чунки мужоҳидлар мамлакат оммавий ахборот воситаларини ислом қоидаларини бузганликда айблямоқдалар. Аммо, яна шуни айтиш лозимки, Афғонистоннинг хотин-қизлар ишлари бўйича вазири Хабиба Сураби уларга «ўзгалар ишига бурнини суқмасликни» уқтирди. Унинг айтишича, қўшиқчи намойишида шариатга қарши бирор нарса илғагани йўқ: у ўтириб олган ҳолда қочоқлар ҳақида қўшиқ айтган. Ваҳоланки, унинг бошида урф-одатга кўра рўмол бўлган.

Эслатиб ўтамиз: 1992 йил Нажибулло давридаги коммунистик тузум мужоҳидлар томонидан ағдарилгандан сўнг давлат телевидениесида қўшиқчи аёллар намойиши тақиқланган. 1996 йилда ҳокимият тепасига толибонлар келгач, умуман телевидение намойиши тақиқланди. Икки йил муқаддам толибонлар тузумига чек қўйилгандан сўнггина мамлакат ҳаётида аёллар ҳам ўз ўрнига эга бўла бошлади. Яқинда эса миллий парламент — Лоя Жирга мамлакат янги конституциясини қабул қилди. Унда аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиб белгиланди.

2002 йилдан эътиборан, аёллар телевидениеда сухандон ёки бошловчи бўлиб ишлай бошладилар.



ЛИВАНДА ЯНА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Беш йиллик танаффусдан (1998 йилдан) сўнг Ливанда ўлим жазоси яна қайтадан амалга жорий этила бошланди. Шанба куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар гуруҳи қарши чиқишига қарамай, уч нафар қотил Байрутда олий жазога ҳукм қилинди.

Бу ҳақда улардан бирининг адвокати Reuters мухбирига маълум қилди.

Уч маҳкумнинг 2 нафари отилди, 1 нафари дорга осилди.



Японияда қиш

«МУЗЛАТИЛИШИ» ТАЛАБ ҚИЛИНДИ

Грузия маъмурияти собиқ президент Шеварднадзе атрофидаги айрим корчалонларнинг Швейцариядаги ҳисоб-рақамларини «музлатиб» қўйишни Швейцария раҳбариятидан талаб қилди.

Грузия бош прокуратурасининг халқаро ҳуқуқ бўлими бошлиғи Паата Мсхиладзенинг айтишича, ушбу масала бўйича ўтган йил декабрдаёқ Швейцария Адлия вазирлигига ёзма равишда мурожаат қилинган. Швейцария мазкур хатни эътироф этгани ҳолда, ҳисоб-рақамлари «музлатилиши» лозим бўлган шахсларнинг кирдикорлари ҳақида қўшимча исботлар жўнатилишини сўраган. Негаки, хатда умумий гаплар айтилган.

Ҳозир Грузия бош прокуратураси батафсил ҳужжат тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

ВАЗИР ҲАРБИЙ ЭМАС

Ироқ армияси тарихида биринчи бор мамлакат Мудофаа вазирлигини ҳарбий бўлмаган одам бошқаради. Араб газеталаридан бири «Аш-Шарқ ал-Аусат» хабарига кўра, Америка генерали Дир Мур раҳбарлиги остида бўлиб ўтган Ироқ Муваққат коалиция маъмурияти ҳамда Бағдод Маслаҳат кенгаши вакиллари мажлисида шундай қарорга келинди.

Вазирликни ким бошқариши ҳозирча айтилмаяпти.

Маълумки, 1921 йил 6 январда таркиб топган Ироқ армияси ўтган йил апрелда АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучлари томонидан тарқатиб юборилган. Ўша пайтда мамлакат Мудофаа вазирлиги ҳам тугатилган эди. Янги вазирлик эса ҳали тузилмади.

Ироққа оид янгиликлардан яна бири шуки, АҚШ ҳарбий қўмондонлиги Бағдоддаги гарнизон ва патруллик хизматини шу йил апрелдан қисқартиради. Чунки апрелда Бағдод назорати маҳаллий ҳокимиятга топширилади. Бу ҳокимиятни ироқликларга бериш борасидаги АҚШ стратегиясининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Бригада генерали Куртис Скапаруттининг айтишича, 1-бронетанк дивизияси ўрнига келаётган 1-кавалерия дивизиясининг асосий қисми Бағдод шаҳридан ташқарига жойлаштирилади.

Associated Press хабар беришича, Ироқ пойтахти Бағдодда АҚШнинг 19 та ҳарбий базаси ёпилади.

Internet хабарлари асосида Абдунаим БОЗОРОВ тайёрлади

Шарҳ

УКРАИНА ПАРЛАМЕНТИ: ЭҲТИРОСЛАР УСТУН КЕЛГАНДА...

Ўтган ҳафтада Украина Олий Радаси — парламентининг тўртинчи сессияси ўз ишини муддатдан олдин тугатди. Бу президент сайловида сиёсий ислоҳот ўтказиш тўғрисидаги таклифни маъқуллаган парламентдаги кўпчилик билан муҳолифат ўртасидаги қарама-қаршилик туфайли юз берди. Олий Рада раиси Владимир Литвин эрталабки мажлисни очмоқчи бўлганида социалистлар, «Наша Украина» ҳамда Юлия Тимошенко блоклари вакилларидан иборат муҳолифатчилар минбарни қамал қилиб олишди ва сиёсий ислоҳотга йўл қўймаслик ҳақидаги бақириқ-чақириқлар билан норозилик билдиришди. Шундай ҳолатда Владимир Литвин: «Олий Раданинг тўртинчи сессиясини ёпиқ деб эълон қиламан», дея зални тарк этди.

Аслида Олий Рададаги бундай вазият анчадан бери давом этиб келяпти. Парламентда 450 та ўрин бўлса, шундан тахминан 200 таси ўзларини муҳолифатчилар деб атовчи сиёсий кучларга тегишли. Бу кучларнинг асосини социалистлар, коммунистлар, «Наша Украина» ҳамда Юлия Тимошенко блокларидан сайланган депутатлар ташкил этади.

Албатта, ҳар қандай парламентда қарама-қарши кучларнинг бўлиши табиий. Бу пухта қонунлар қабул қилишга имкон беради. Олий Раданинг тўртинчи сессияси ўз ишини 2003 йилнинг сентябрида бошлаган эди.

Ўшандан бери қарама-қарши туришлар давом этиб келмоқда. Айниқса, ўтган йилнинг охирида юзага келган тортишувлар бир ярим ой давом этди, ўртада парламентдаги кўпчилик қўл кўтариб, овоз бериб, муҳокамадаги масала бўйича ғалабага эришгандай бўлди, аммо муҳолифатчиларнинг эҳтиросларини сўнмади, масала узил-кесил ечимини топмади. Чунки, бу президент сайловида сиёсий ислоҳот ўтказиш билан боғлиқ жиддий масала эди.

Маълумки, Леонид Кучма умумхалқ сайлови натижасида икки марта, яъни 1994 ва 1999 йилларда Украина Президенти этиб сайланди. Навбатдаги сайлов шу йилнинг октябрь ойида бўлиши керак. Ўтган йилнинг декабрь ойида Украина Конституциявий суди Кучма давлат раҳбари лавозимига яна ўз номзодини қўйиши мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ, унинг ўзи бунга розилик билдиргани йўқ. Унинг тарафдорлари эса 2006 йилдан бошлаб Президент умумхалқ овоз бериши йўли билан эмас, балки парламентда депутатлар томонидан сайланиши тўғрисида таклиф киритдилар. Бу таклиф Украина Конституциясига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ жиддий масала бўлгани учун Олий Рада эҳтиросларини кучайиб кетди. Парламентдаги кўпчилик бу таклифни маъқуллади. Коммунистлар ҳам ёқлаб гапиришди. Қизғин тортишувларга ҳамда муҳолифатнинг қаршилигига қарамасдан парламентдаги кўпчилик Украина Конституциясига ўзгартириш киритиш тўғрисида овоз берди. Бу муҳолифатчиларнинг эҳтиросларини яна ҳам кучайтириб юборди. Улар ўз норозиликларини сессия ишига тўсқинлик қилиш билан намоён эта бошладилар. Аниқроғи, ўтган йил 24 декабрь куни юзага келган вазият ўтган ҳафтанинг пайшанба кунигача давом этди. 2004 йил 12 январь кунидан бошлаб партия фракциялари ва сиёсий гуруҳларнинг етакчилари парламентдаги қарама-қаршиликни бартараф этиш имкониятлари юзасидан маслаҳатлашувлар олиб боришди, бироқ муроса йўлини топишолмади.

Шу йил 14 январь куни вазиятдан чиқиш учун кўп таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, парламентдаги кўпчиликнинг мувофиқлаштирувчиси Степан Гавриш бундан буён Президентни қандай йўл билан сайлаш масаласини парламентдаги фракциялар ва гуруҳларнинг раҳбарлари Леонид Кучма билан бирга, бир давра столи атрофида ўтириб ҳал қилишлари керак, деган таклиф билан чиқди. Шунда ўзаро ён босиш асосида эришилган келишувни ҳамма депутатлар маъқуллашлари мумкин. Бироқ «Наша Украина», Юлия Тимошенко блоклари ҳамда Социалистик партия вакиллари бунга рози бўлмадилар. Улар халқ томонидан тўғридан-тўғри сайлащдан бошқасига кўнмасликларини айтишди. Шунингдек, Президентни қандай йўл билан сайлашни референдумда ҳал қилиш ҳақида ҳам таклиф тушди. Бунинг учун 24 декабрь куни қабул қилинган қарор бекор этилиши шарт қилиб қўйилганидан кейин масала муҳокамага тавсия этилмади. Шунга қарамасдан айрим депутатлар бу масалада ўз фикрларини билдиришди.

Шу куни Олий Рада регламент қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтган. Қўмита аъзоси Александр Турчинов журналистларга интервью бериб, 24 декабрь кунги қўл кўтариб овоз бериш жараёнида сохталаштиришга йўл қўйилганлигини айтган. У бу масала яна кўриб чиқилишини ва қарор қабул қилинишини таъкидлаган. Президент сайловининг тартиби тўғрисида Украина Конституциясига ўзгартириш киритиш юзасидан қабул қилинган қарорга овоз берганлар билан унга қарши овоз берганлар 14 январь куни бир-бирларини айблаш билан овора бўлганлар ва 15 январь куни ўз мақсадларига эришишга умид қилганлар. Бироқ, натижа маълум: Владимир Литвин сессияни ёпди.

Кузатувчиларнинг фикрича, муҳолифат парламентдаги ҳозирги ўринлар сони ва мавқеидан келиб чиқиб, агар янги тартибда Президент сайлови ўтказилса ғолиб чиқолмаслигини англаб етди. Шунингдек, муҳолифат вакиллари бош вазир ва парламент раиси лавозимларини ҳам эгаллай олмасликлари мумкин. Шунинг учун улар эҳтиросга берилиб, эски тартибни сақлаб қолишга уринмоқдалар. Муҳолифатдаги сиёсий кучлардан президентликка умидворлар орасида «Наша Украина» блоки вакили, собиқ бош вазир Виктор Ющенко ва Украина коммунистларининг раҳбари П.Симоненко ҳам бор.

Энди Олий Раданинг бешинчи сессияси 2004 йил 3 февраль куни иш бошлаши керак. У қандай бошланади ва президент сайлови билан боғлиқ сиёсий ислоҳот масаласи қандай ечим топади — бу ўшанда маълум бўлади. Ажаб эмас, қишки таътил пайтида эҳтиросларсўниб, қарама-қарши томонлар ечим тополса.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Спортимиз юлдузлари

МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ: «СЎЗИМНИНГ УСТИДАН ЧИҚАМАН»

Ўтган йилнинг ноябрь ойида профессионал боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев Германиянинг дунёга машҳур «Универсум бокс промушен» спорт клуби билан уч йилга шартнома имзолагандилар. Бу спорт клуби сафидаги дастлабки рейтинг жангларини Гамбург шаҳрида ғалаба билан якунлаган ҳар иккала боксчимиз ҳам янги — 2004 йилни ўз оилалари даврасида — Ўзбекистонда кутиб олишди. Куни кеча улар навбатдаги жанг(17 февралда Гамбургда рингга чиқишади)га тайёргарлик кўриш учун АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрига жўнаб кетдилар. Фурсатдан фойдаланиб, пойтахт аэропортида сафарга отланган боксчиларимиздан бири — Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев билан суҳбатлашдик.

— Муҳаммадқодир, ҳозир неча килограмм вазн тоифасида ва қайси йўналиш бўйича рингга чиқяпсиз?

— Профессионал боксда ҳам ҳаваскордаги каби кўпроқ 63,5 килограмм, баъзан эса бироз юқорироқ вазн тоифасида жанг олиб боряпман. Йўналишга келсак, айни чоғда тўрт йўналишнинг қайси бирида имкон туғилса, шу бўйича рингга чиқяпман. Ниятим эса дастлаб IBF йўналиши бўйича чемпионлик камарини қўлга киритиш.

— Янги промуотерингиз Питер Кол ҳақида фикрингиз қандай?

— Питер Кол дунёнинг энг номдор промуотерларидан бири ҳисобланади. Унинг ҳозирда бизга ишончи баланд.

— Сизларга яратилган шароитдан кўнглингиз тўляптими?

— Албатта. Бу борада менежеримиз Тоймас Ниёзовдан миннатдорман. У кишининг саъй-ҳаракати билан ҳозирда яна АҚШда машғулотларда қатнашаяпмиз. Бир кунда уч марта тайёргарлик ўтказамиз. Эрталаб соат олтидан бошлаб бир соат бадантарбия қиламиз. Соат ўн иккида эса жиддий машғулот бошлаймиз. Жуфтлик ва қопда ишлаб, бўлажак жангга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрланамиз. Кечки бешдан олтигача эса тош кўтарамиз. Машғулотлардан сўнг Руслан ва Қувончбек билан бирга овқатланиб, айлангани чиқамиз.

— Муҳаммадқодир «Универсум бокс промушен» клубига ўтган бўлсаларингизда, нега яна Америкада тайёргарлик кўряпсизлар?

— Ҳозир АҚШ профессионал бокснинг ўчоғига айланган. У ерда жанг ўтказиш осон эмас. Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, Кличко ҳам айнан ўша ерда Льюисга имкониятни бой берди. Шу боис, уларнинг муҳити ва услубига мослашиш учун Америкада тайёргарлик кўряпмиз.

— Муҳаммадқодир, Сидней олимпиадасида сизга рақиб бўлган пуэрто-риколик Котто ва финалда рўбарў келган америкалик Рикардо Уэльмсларнинг профессионал боксдаги фаолиятлари қандай?

— Рикардо Уэльмс мезбон бўлгани учунми «Бу Муҳаммадқодирга финалда ютқазмаган» дея роса кўтар-кўтар қилишарди. 11-рейтинг жанггида у мексикалик спортчига ютқазиб қўйди-да ҳовуридан тушди. Олимпиадада биринчи рақибим бўлган пуэрто-риколик Котто ҳозирда 14 марта кетма-кет ғалаба қозониб, анча мухлисларга эга бўлган. Бироқ яқин орада у билан рингга чиқмаслигимиз аниқ.

— Артур Григоряннинг сўнгги жангги ҳақидаги фикрингиз?

— Мен жангдан олдин Артур ака билан гаплашгандим. Рақиби ўта жиддийлигини, 59 килограммда WBA ва WBO йўналиши бўйича чемпионлигини айтганди. Шундай бўлсада, у халқимизга яна бир совға тайёрлаш ва «Гиннес»нинг рекордлар китобидан ўрин олиш учун Фрейтасдек рақибга қарши чиқди. Ўйлайманки, жавоб учрашуви ўтказилиб, Григорян яна чемпионлик камарини қайтариб олади.

— Муҳаммадқодир, ёш спортчилар сизга ҳавас қилишади. Улар нималарга эътибор беришлари керак дейсиз?

— Аввало жуда кўплаб машаққатларни босиб ўтишлари лозим. Мен Олимпия чемпиони бўлиш учун 17 йилдан ортиқ тер тўкдим. Катта чемпионатларда ютқазган пайтларим бўлди. Айримлар бир марта мағлубиятга учраса, «Ҳа бўлди, мендан энди боксчи чиқмайди» деб кетиб қолади. Йўқ. Аксинча, ҳар бир мусобақадан хулоса чиқариш, янада яхшироқ тайёргарлик кўриш керак. Шундагина бирор натижага эришиш мумкин.

— Қувончбек Тайғонбоевнинг рингдаги фаолиятига қандай баҳо берасиз?

— Кўз тегмасин, Қувонч жуда зўр кетяпти. WBO йўналиши бўйича 4-ўринда. 7 февраль куни Москва шаҳрида айнан Константин Цзюдан кейин иккинчи бўлиб ўзининг 24-рейтинг жангини ўтказади. Шу куни Жанубий Африка вакилига қарши рингга чиқади. У яна икки-учта жангдан сўнг чемпионлик камари учун рингга чиқиши мумкин. Ўйлайманки, келажакда Қувончбек Шейл Мосли, Де Ла Хойаларга ҳам муносиб рақиб бўла олади.

— Мана аэропортдасиз. Шу пайт нималарни ўйлаяпсиз?

— Ўзбекистондан ҳеч кетгим келмайди. Тўғри, у ерда шароитлар яхши, лекин барибир туғилган жойингга етмайди. Доим бу ёққа келаётиб, уйга борсам ортга қайтиб келмайман дейман. Лекин, профессионал боксда ҳам чемпион бўламан, деб Президентимизга, халқимизга ваъда берганман. Шундай экан, ҳар қандай қийинчиликдан қатъи назар сўзимнинг устидан чиқаман!

Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ суҳбатлашди

Бокс

АФИНА ОЛИМПИАДАСИГА БЕШ ЙЎЛЛАНМА

12-17 январь кунлари Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашдилар. Шу йил Грецияда бўладиган ёзги Олимпиадага йўлланма берувчи ушбу мусобақада «чарм қўлқоп» усталаримиз умумжамоа ҳисобида иккита олтин, иккита кумуш ва бешта бронза медалини қўлга киритиб, қитъада иккинчи бўлишди.

Қитъа баҳсларида ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгган умидли боксчимиз, андижонлик Баҳодир Султонов (54 кг.) Осиё чемпиони, деган номга сазовор бўлди ва терма жамоамизга биринчи Афина олимпиадаси йўлланмасини келтирди.

Мусобақа низомига кўра, 91 кг. ва +91 кг. вазн тоифаларида ғолиб бўлган иштирокчилар олимпиадага йўлланма олиши кўзда тутилганди. 91 кг. вазн тоифасида рингга кўтарилган пойтахтлик Игор Алборов ярим финалда ютқазиб, чемпионатнинг бронза медали билан кифояланди. Мутлақ вазн тоифасида жанг олиб борган вакилимиз, Сидней олимпиадаси бронза медали совриндори Рустам Саидов мухлисларни хурсанд қилди. У барча учрашувларни юқори савияда ўтказиб, финалда тожикистонлик боксчи устидан ғалаба қозонди ва навбатдаги олимпиадага йўлланма олди.

64 кг. ва 69 кг. вазн тоифасида эса нафақат ғолиблар, балки финалчилар ҳам Олимпия йўлланмасига сазовор бўлишди. Дилшод Маҳмудов (64 кг.) ҳамда жанубий кореялик боксчига имкониятни бой берган Шерзод Ҳусанов (69 кг. иккаласи ҳам Фарғонадан)лар чемпионатнинг кумуш медаллари билан тақдирландилар.

Халқаро бокс федерацияси қарорига мувофиқ, қитъа баҳсларининг 48-60 кг. вазн тоифаларида энг кучли деб топилган учинчи совриндор ҳам олимпиадада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Жумладан, иқтидорли боксчимиз, ушбу чемпионатнинг бронза медали соҳиби Беҳзод Хидиров (57 кг.) ўз вазн тоифасида учинчи йўлланма учун спортчисига қарши рингга чиқиб, зафар қучди. Мусобақада бронза медалларини қўлга киритган фарғоналик Отабек Мамажонов (48 кг.), наманганлик Тўлашбой Дониёров (51 кг.)лар ҳам бундай бахтга жуда яқин туришганди. Бироқ, учинчи йўлланма учун кечган ҳал қилувчи баҳсда омад улардан юз ўгирди. Шунингдек, мутахассисларда илиқ таассурот қолдирган наманганлик Нодир Ғуломов (81 кг.) ҳам қитъа чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: олтин медаль соҳиби Рустам Саидов (ўнгда).

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Farruh HAMROYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 266

12354 nusxada bosildi
I — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.20
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маънаси

ЛАЙЛАКНИНГ КЕТИШИГА БОҚМАЙДИЛАР, КЕЛИШИГА БОҚАДИЛАР

«Лайлакнинг кетишини эмас, келишини кутадилар». «Оқ лайлак Ўзбекистонга эрта баҳорда учиб келиб, куз кириши билан қишлаш учун иссиқ томонларга учиб кетади». Кишилар баҳорни (демакки, лайлак учиб келадиган пайтни) орзиқиб кутадилар, лайлакнинг қайтиб учиб кетадиган пайтини кутмайдилар ҳам, бу билан кўпда қизиқмайдилар ҳам. Одатда бировнинг бирор сафарга кетгани билан одамларнинг кўпда ишлари бўлмайди. У қайтиб келганидан кейин эса «Қаерга борибди? Нима қилибди? Нима олиб келибди?» деб суриштира бошлайдилар. Юқоридаги мақолни мажозан мана шундай пайтда қўллайдилар.

ЛАҚМАНИНГ КАЛЛАСИ — ТАРОЗИНИНГ ПАЛЛАСИ

Лақма — ҳар нарсага дарров ишонаверадиган, осонгина алданадиган, гўл, содда одам. Бу мақол билан: «Лақманинг калласи тарозининг палласидек оғир тарафга оғиб кетаверади, яъни у ким нима деса, шунга лаққа ишонаверади», дейилмоқчи.

ЛИБОСОРО БЎЛГУНЧА, МАЖЛИСОРО БЎЛ

Баъзи одамлар либосига, кийимига оро беради-ю, аммо ўзининг гап сўзида бирор маъно, юриш-туришида ахлоқ-одоб бўлмайди. Мазкур мақол билан шундайларга қарата: «Кийимингга, ташқи кўринишингга зеб бергунча, одоб билан сўзлашни, юриш-туришни, кишилар билан ширин жавоб-муомала қилишни ўрган. Шундагина чин инсон қаторига кириб, элюртга ёқасан», деган маънода насиҳат қиладилар (мажлисоро — мажлисни, яъни тўй, зиёфат ёки бошқа муносабат билан уюштирилган ўтиришни безовчи, қизитувчи).

ЛОЙ ЁРИҒИГА ЛОЙ ЧАПЛАНАДИ, ГАНЧ ЁРИҒИГА — ГАНЧ

Одатда лойдан қилинган деворнинг нураган, ёрилган, тешилган жойларига лой чаплайдилар, ҳеч вақтда ганч чапламайдилар. Бу мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Ёмонга ёмонликча, яхшига яхшиликча муомала қилинади», дейилмоқчи.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси газетанинг 2004 йил 6 январдаги 2-сонида берилган эълонда кўрсатилган аукцион савдоларига қўйилган Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қуйидаги бошланғич нархлар билан

2004 йилнинг 20,24,27 февраль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилишини маълум қилади:

Юнусобод тумани:

— Соҳибкор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, бошланғич нархи — 2 256 000 сўмдан;

— Орифов кўчасида, майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 461 600 сўм;

— Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, бошланғич нархи — 457 600 сўмдан, майдони 0,02 га. бўлган битта ер участкаси, бошланғич нархи — 228 800 сўм;

— Яккасарой тумани, М.Мироқилов кўчасида, майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 940 400 сўм;

— Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчасида, майдони 0,017 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 952 000 сўм.

Шунингдек, савдоларга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг давлат рақами 10 АО 303 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. Бошланғич нархи — 2 570 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер майдонларига савдодан уч кун аввал, автотранспорт воситасига савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

САМАРҚАНД. (ЎзА мухбири Акбар Қаршиев). Самарқанд тиббиёт институти Японияннинг Фуджита тиббиёт университети билан олти йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, нейрохирургия соҳасида тажриба алмашиш ҳар икки томон учун самарали кечмоқда.

Самарқанд тиббиёт институтида Фуджита университети билан ҳамкорликда халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда япон мутахассислари билан бирга Тошкент шаҳри, Жиззах, Қашқадарё ва Андижон вилоятидан ҳам нейрохирурглар иштирок этди. Япон олимлари бош мия, унинг нерв ўсмалари ва қон томирлари аневризмаларини микро нейрохирургик усулда операция қилиш борасидаги тажрибалар хусусида маъруза қилди.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) ўтказаётганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Инглиз тили кафедраси №1, катта ўқитувчи, 1 ўрин;

Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, доцент, 1 ўрин;

Япон филологияси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин, ўқитувчи, 1 ўрин;

Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, профессор, 1 ўрин, доцент 1 ўрин;

Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси, доцент, 2 ўрин;

Герман тиллари кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин, ўқитувчи, 1 ўрин;

Инглиз тили кафедраси №2, катта ўқитувчи, 1 ўрин;

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин;

Рус тили кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин;

Жисмоний тарбия кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:

1. Ректор номига ариза.

2. Шахсий варақа (фотосурат билан)

3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида аттестат.

4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

700047, Тошкент, Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25, тел: 133-44-36

Ранг-баранг олам

ТУЗ — МУҲАББАТ РАМЗИ

Ош тузи инсоният томонидан биринчи бўлиб табиат бойлиги сифатида кашф этилган, ўз эҳтиёжи учун ишлатган фойдали қазилмадир. Ўтмишда аждодларимиз ҳали қабила-қабила бўлиб яшаган даврларда эркаклар ов билан, хотинлар уйрўзғор ишлари билан банд бўлар, келтирилган ўлжа гўштларини хашак ва ёғоч ёқиб пиширар эдилар. Шу жараёнда гўштнинг кулга аралашиши натижасида унинг таъми ўзгариб, мазалироқ бўлганини сеза бошладилар. Кул таркибида туз борлиги одамзотга шу тариқа маълум бўлди.

Кейинроқ одамлар денгиз ва кўл қирғоқларидан оппоқ қорга ўхшаш тошни топдилар. Бу туз эди. Ундан бироз гўштга сепилганда гўштнинг узоқ муддат бузилмаслигини билиб олдилар. Сўнг одамлар туз қидира бошладилар. Денгиз атрофидан ва кўлларнинг қуришидан пайдо бўлган туз йиғиб олиниб, соқчилар ёрдамида шоҳлар саройига келтирилар ва туз сақланадиган ер энг «муқаддас» жой деб ҳисоблана бошлади. Ўша даврларда шоҳлар ва қабилалар туз учун қонли жанглар олиб бориб, бир-бирларидан тузли кўлларни тортиб олишар эди. Катта бозорларда қулдорлар бир сиқим тозаланмаган (тупроқ аралаш) туз учун ўзларининг энг яхши молларини айирбошлар эдилар. Туз, баъзан, асосий муомала воситаси — пул ўрнида ҳам ишлатилган. Ҳар хил солиқлар ва кишиларга берилаган иш ҳақлари ҳам туз билан тўланар эди.

Ўрта асрларга келиб Европада туз танқислиги бошланди. Кишилар туя карвонларига ортилган тузлар, узоқ Осиё давлатларидан келишини интизорлик билан кутишар эди. Бир-бирларига садоқатлиликларини изҳор қилиш учун қўлларига туз олиб қасам ичар эдилар.

Ҳиндистонда яшовчи қабилаларнинг бирида энди турмуш қурган келин ва куёвни бир ой давомида шўр овқат билан боқар эканлар. Гўё шундай қилинса, уларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати яна ҳам ошар эмиш.

Африка қабилаларидан бирида туз орқали севги изҳор қилиш урф-одати ҳалигача сақланиб қолган. Йигит севгилисини бир идишдан туз татиб кўришга таклиф этади, агар қиз бунга рози бўлса, унга уйланади.

Русларда шундай одат бор: баъзида шўр таом тайёрлаган кишига «севиб қолдингми, нима бўлди сенга?» дейишади. Қиз ёки йигит овқатланаётган пайтларида, бир-бирларининг таомларига туз ташласа, бу уларнинг бир-бирига муҳаббат изҳор этишидан даракдир.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, туз — бу яшаш учун зарур бўлган хомашёгина бўлиб қолмай, дўстлик, садоқат ва муҳаббат рамзи сифатида ҳам тушунилади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Кимошди савдолари агентлиги ва республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар бўлими

шуни маълум қилади:

2004 йил 16 январь куни кимошди савдосида Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган:

332-сонли ер майдони — 900 000 сўмга сотилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.

Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейи жамоаси республика Халқ таълими вазирлиги Ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Турсунқул Муҳиддиновга умр йўлдоши **Тошой МУҲИДДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.